Союз писателей Узбекистана

опись № 2
ед. хр. № 302

Фонда № 2356
опись 2
ед. хр. 302

# Дело №

Чулпон

Соз"

(стихи)

Начато: «___» ______________ 196__ г.

Окончено: «___» 1935 г. 196__ г.

На 40 листах

# ЯНГИ МЕН [1]

Менда энди қайғилар йўқ,
Мен баҳорлар киби шанман,
Кечаларнинг ўлимига
Қаҳқаҳалар солган манман!

Ўлик руҳли кечалардан
Сир кутишлик менда йўқтур,
Мен истамам, – қора савдо! –
Кишанингни мажнунга ур!

Менинг янги ватанимда
На мажнун бор, на-да занжир!
Мунда ҳар бир ишлаганнинг
Бахти кучоғида келир!

Мунда меҳнат бир ҳукумдар:
Амр этади, чарчатмайди;
Чунки машша ўз созига
Севгисини йўқотмайди.

Мунда меҳнат қувнаб-қувнаб
Муъжизалар яратади.
Мунда ҳар кун шўх қўшиқлар,
Куйлар ила тонг отади.

Миллионларнинг бири каби
Мен ҳам ҳар кун тер тўкаман;
Ҳар кун янги ҳаяжонлар,
Зафарларга куникаман!

---

I Бу шеърнинг асли Озарбайжон туркчасида ёзилган.

Миллионларнинг бири каби
Мен ҳам қувноқ, мен ҳам шанман
Кечмишларнинг ўлимига
Қаҳқаҳалар солган манман!..

1934-йил, август.

----